

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВА НАРГИЗА ХАЛИМОВНА

**ЎПКА САРАТОНИДА БЕМОРЛАРНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

15.00.03 – фармацевтика ишини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Ражабова Наргиза Халимовна

Ўпка саратонида беморларни дори воситалари билан
таъминланишининг фармакоиктисодий таҳлили..... 3

Ражабова Наргиза Халимовна

Фармакоэкономический анализ лекарственного обеспечения
больных раком легких..... 21

Rajabova Nargiza Khalimovna

Pharmacoeconomic analysis of medicines provision
for patients with lung cancer..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

РАЖАБОВА НАРГИЗА ХАЛИМОВНА

**ЎПКА САРАТОНИДА БЕМОРЛАРНИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ ФАРМАКОИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛИ**

15.00.03 – фармацевтика ишини ташкил этиш

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фармацевтика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Far81 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Суёнов Низом Давулович

фармацевтика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Исмаилова Мохинур Гафуровна

фармацевтика фанлари доктори, профессор

Ҳомитов Комилжон Зонтович

иқтисод фанлари доктори, профессор

Етакчи таъкилот:

Тошкент давлат иқтисодий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент фармацевтика институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «21» феврал соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (51 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел (+99871) 256-37-38).

Диссертация автореферати 2024 йил «3» феврал кун тарқатилди.
(2024 йил «3» феврал даги 51 рақамли реестр баённомаси).



К.С. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

Ё.С. Кариева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., профессор

Р.Т. Туляганов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро саратонни ўрганиш агентлиги маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда ўпка саратони билан 2,2 млн. инсон касалланган бўлиб, ушбу кўрсаткич бўйича барча онкологик касалликлар орасида биринчи ўринни эгаллаган. Ўлим ҳолати бўйича эса (1,8 млн.) ўпка саратони иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ўпка саратонида беморларни дори воситалари билан таъминланишини ўрганиш, самарадорлигини интеллектуал таҳлил усулида фармакоиктисодий баҳолаш, касаллик ва дори воситалари прогнозини ишлаб чиқиш ҳамда илмий асосланган тавсиялар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда жаҳонда беморларни самарали дори воситалари билан таъминлаш тизимининг такомиллаштирилиши, янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши, молиялаштириш манбаларини ошириш бўйича фармакоиктисодий илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада дори воситаларидан муқобил фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, энг кўп тарқалган, хусусан, ўпка саратонини турлари бўйича фармацевтика корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган дори воситаларини ҳисобга олган ҳолда фармакоиктисодий таҳлилларни амалга оширишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида олиб борилаётган ислохотлар доирасида аҳолини сифатли, юқори самарали, безарар дори воситалари билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 58-мақсадида «Дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш», 59-мақсадида «Давлат тиббиёт муассасаларида дори-дармон ва тиббий буюмлар таъминотини янада яхшилаш ҳамда етказиб бериш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш¹» каби долзарб вазифалар белгиланган. Бу борада, юқори самарали дори воситалари билан онкологик беморларни таъминлаш, фармацевтика бозорида ўсмага қарши дори воситаларига эҳтиёжни ўрганиш, улардан оқилона фойдаланиш, даволаш-профилактика муассасалари ва дорихоналар ассортиментини ҳаётий зарур дори воситалари билан таъминлашни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрь ПФ-158-сон «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида, 2023 йил 6 сентябрь ПФ-156-сон «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 6 май ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 30 декабрь ПҚ-4554-сон «Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

ушбу фаолиятга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда дори воситалари таъминоти, улардан оқилона фойдаланиш ва фармакоиктисодий таҳлил ўтказишга бағишланган илмий тадқиқотлар Э.Р. Тошмухамедов, Х.С. Зайнутдинов, Н.Д. Суюнов, А.М. Камиров, А.А. Ашуров, Г.А. Султонова, Г.М. Икромоваларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Дунё миқёсида онкологик касалликларга оид фармакоиктисодий таҳлил ва беморларни самарали дори воситалари билан таъминланишини такомиллаштириш бўйича А.В. Павлыш, Л.А. Когон, А.А. Мамаев, А.С. Голиков, Т.х. Т.х. Туй Нгуен, хусусан, ўпка саратонида Р.И. Ягудина, А.Ю. Куликов, Е.Е. Аринина, Yang Kehong, M. Fukuda, N. Maniadakis, K. Marina, U. Permsuwan, S. Thongprasert ва бошқа шу каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган.

Ушбу диссертация иши ўпка саратонида беморларни дори воситалари билан таъминланишининг фармакоиктисодий таҳлил йўналишида амалга оширилган бўлиб, онкологик касалликлар, ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг ассортименти, ўпка саратони билан даволанган стационар беморларнинг тиббий карталарини ретроспектив, частотали таҳлили, дори воситалари таъминоти ҳамда фармакоиктисодий самарадорлигини баҳолашга қаратилган биринчи илмий тадқиқот ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институтининг «Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмларнинг маркетинг ва фармакоиктисодий таҳлили» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари билан беморларнинг таъминланишини такомиллаштириш, самарадорлигини интеллектуал таҳлил усулда фармакоиктисодий баҳолаш, касаллик ҳамда дори воситалари прогнозини ишлаб чиқиш ва илмий асосланган тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Давлат реестридаги ўсмага қарши ва ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг рўйхатдан ўтиш кўрсаткичи ҳамда ассортименти бўйича гуруҳларини аниқлаш;

ўпка саратони билан касалланган беморларнинг тиббий карталарини ретроспектив ва дори воситаларини частотали таҳлили ҳамда таъминотини ўрганиш;

ўпка саратонида дори воситалари самарадорлигини фармакоиктисодий баҳолаш учун анкета-сўровнома тайёрлаш, уни расмий ўтказиш ва маълумотларни интеллектуал таҳлил усулларида қайта ишлаш методологиясини ишлаб чиқиш;

ўпка саратонининг майда хужайрали, аденокарцинома ва ясси хужайрали турларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлигини асослаш;

Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликлар, ўпка саратонининг эпидемиологияси ва ўсмага қарши дори воситаларининг таъминланиши таҳлили ҳамда уларни прогноз усуллари ишлаб чиқиш;

ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлили бўйича услубий илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Drug audit» расмий маълумотлари, ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, «Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри» маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари таъминотини шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларининг фармакоиктисодий таҳлилинини ўтказиш ҳамда анкета-сўровнома, услубий тавсияномалар, меъёрий-ҳужжатларни тайёрлаш ва амалиётга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда ўпка саратони касалликларига тегишли статистика маълумотлар таҳлили, касалликни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг контент таҳлили, касалликни фармакоиктисодий баҳолаш, замонавий интеллектуал таҳлил усуллари, ретроспектив, частотали таҳлил, прогнозлаштириш, касаллик қиймати таҳлили ва эҳтиёжни аниқлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсмага қарши ва ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг ассортименти, беморларнинг тиббий карталари ретроспектив, частотали ва дори воситалари билан таъминланишининг қиёсий таҳлили асосида сарф-харажатларни оптималлаштириш йўллари аниқланган;

илк бор ўпка саратонининг майда хужайрали, аденокарцинома, ясси хужайрали турларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигини фармакоиктисодий баҳолаш учун интеллектуал таҳлил усули асосида аниқлаш бўйича компьютер дастури ишлаб чиқилган;

илк бор интеллектуал таҳлил усули асосида майда хужайрали ўпка саратони, аденокарцинома ва ясси хужайрали турларида касалликларни даволаш учун қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлиги бўйича гуруҳлари исботланган;

илк бор Ўзбекистон Республикасида онкологик касалликлар, ўпка саратонининг 2010–2022 йиллардаги эпидемиологияси асосида, уларнинг 2023–2026 йилларга прогнози ҳамда унга мос равишда ўсмага қарши 24 та

дори препаратларини дори шакли ва дозаси бўйича прогнози ишлаб чиқилиб, фармакоиктисодий таҳлил ва прогноз асосида ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари эҳтиёжи аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда мавжуд бўлмаган ўсмага қарши дори воситаларини рўйхатдан ўтказиш ва ишлаб чиқариш ҳамда таъминлашни такомиллаштириш имконияти асосланган;

ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг халқаро патентланмаган ва савдо номлари, дори шакли, дозаси бўйича фармакоиктисодий баҳолаш учун анкета-сўровнома ишлаб чиқилган ҳамда интеллектуал таҳлил усуллари ёрдамида дори воситалари самарадорлиги устувор бўлганлари исботланган;

онкологик касалликлар, ўпка саратонини тарқалиши ва беморларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларини истеъмоли ҳамда таъминланиши асосида уларни прогнози ва эҳтиёжи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиқ даражаси замонавий ахборот-компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда математик-статистик, мантиқий-назарий, социологик, аналитик ва тизимли тадқиқот усуллари асосланиб, маълумотларни қайта ишланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлиги ўрганилганлиги, касалланиш ва дори воситаларини прогнози ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларга бўлган эҳтиёж аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тасдиқланган услубий тавсияномалар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда унинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиаллари, «O`zmedimpeks» МЧЖ, «Дори-дармон» АК амалиётига татбиқ этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023-йил 21-августдаги 34-сонли «Асосий дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи лойиҳасини тузишда фойдаланилганлиги ва фармацевтика амалиётига жорий этилганлиги билан изоҳланади. Олиб борилган тадқиқотлар онкологик муассасаларда ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган юқори самарали дори воситалари билан беморларни таъминланишини оптималлаштиришга, дори воситаларидан оқилона фойдаланишга ва уларни «Асосий дори воситалари рўйхати»га киритишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўпка саратонида беморларни дори воситалари билан таъминланишининг фармакоиктисодий таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларини фармакоиктисодий баҳолаш бўйича тиббиёт мутахассислари учун анкета сўровнома» (2.08.2021 й., №8 н-р/698) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган

(Тошкент фармацевтика институти қошидаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 й. 27 октябрдаги 01/003-сонли хулосаси). Натижада анкета-сўровнома ўпка саратонини даволашда касаллик турларига мувофиқ дори воситаларини танлаш ва харид қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш имконини берган;

«Интеллектуал таҳлил усуллари асосида майда хужайрали ўпка саратони касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигини аниқлаш» (26.06.2023 й., №006 U/T) услубий тавсиянома Тошкент фармацевтика институти эксперт кенгаши томонидан тасдиқланган (Тошкент фармацевтика институти қошидаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 й. 27 октябрдаги 01/003-сонли хулосаси). Натижада майда хужайрали ўпка саратони беморларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг таъминотини оптималлаштириш имконини берган;

«Интеллектуал таҳлил усуллари асосида ўпка саратонининг аденокарцинома ва ясси хужайрали турларини даволашда қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигини баҳолаш» (26.06.2023 й., №007 U/T) услубий тавсиянома Тошкент фармацевтика институти эксперт кенгаши томонидан тасдиқланган (Тошкент фармацевтика институти қошидаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 й. 27 октябрдаги 01/003-сонли хулосаси). Натижада ўпка саратонининг аденокарцинома ва ясси хужайрали турларини даволашда қўлланиладиган асосий дори воситалари рўйхатини такомиллаштириш имконини берган;

«Ўпка саратонида қўлланиладиган кимётерапевтик дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлили ва прогнози» (26.06.2023 й., №008 U/T) услубий тавсиянома Тошкент фармацевтика институти эксперт кенгаши томонидан тасдиқланган (Тошкент фармацевтика институти қошидаги мувофиқлаштирувчи эксперт кенгашининг 2023 й. 27 октябрдаги 01/003-сонли хулосаси). Натижада онкологик касалликлар, шу жумладан, ўпка саратонининг статистик кўрсаткичлари ҳамда ўсмага қарши дори воситаларини истеъмол ҳажмини прогнози ва беморларда қўлланиладиган дори воситаларига бўлган эҳтиёжни олдиндан аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 9 та халқаро конференция ва 2 та республика анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари таъминоти ва фармакоиктисодий тадқиқотларнинг назарий ҳамда услубий муаммолари»** деб номланган биринчи бобда дори воситалари истеъмолини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ва ўпка саратони касаллигини даволаш стандартлари ҳамда клиник протоколларининг қиёсий таҳлили муаммоларига илмий ёндашув, ўпка саратонини даволаш, касалликни эпидемиологияси, онкологик беморларни дори воситалари билан таъминланиши таҳлили ўрганилган. Ўпка саратонини даволашга оид фармакоиктисодий тадқиқотлар ҳақидаги адабиётлар таҳлили келтирилган, шунингдек, ўпка саратони касалликларини минтақалар ва ҳудудларда тарқалиши ва уларда қўлланилган дори воситалари бўйича фармакоиктисодий тадқиқотлар ўрганилган.

Диссертациянинг **«Ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг бозори ва таъминланиши таҳлили»** деб номланган иккинчи бобда ўсмага қарши дори воситаларининг рўйхатдан ўтиш динамикаси ўрганилган. 2010 йилда дори воситалари 123 та савдо номи билан 2022 йилга келиб 271 та савдо номи билан рўйхатдан ўтганлиги аниқланди, яъни 13 йил ичида бу кўрсаткич 2,2 баробар ошган.

Ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг ассортиментини таҳлил қилишда майда хужайрали ва номайда хужайрали ўпка саратонининг турлари бўйича амалга оширилди. Дори воситалари Ўзбекистон Республикасининг онкологик касалликларнинг диагностикаси ва даволаш стандартларида келтирилган даволаш схемалари асосида танлаб олиниб, «Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестри»даги ўсмага қарши дори воситалари ҳамда асосий дори воситалари рўйхати билан таққосланди. Юқорида номи қайд этилган касаллик турларини даволашда, асосан кимётерапия усулларида фойдаланиши аниқланди. Хорижий мамлакатларни даволаш стандартлари маълумотлари таҳлил қилинганда, кимётерапия билан даволаш усулидан ташқари, таргет дори воситалари ва иммунопрепаратлар, даволаш стандартларига киритилганлиги маълум бўлди.

Илмий изланишларимизда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида ўпка саратони билан касалланган беморларнинг тиббий карталари беморларнинг ёши, жинси ҳамда қўлланилган дори воситалари ва уларни қўлланилиш частотаси бўйича ретроспектив таҳлили олиб борилди. Беморлар 18–90 ёш оралиғида даволанган бўлиб, энг кўп касалланиш кўрсаткичи 49–59 ёшли беморлар ҳисобига тўғри келиши аниқланди. Айниқса 50–60 ёш оралиғидаги беморлар ўпка саратони касаллиги билан даволанган. 40 ёшдан 70 ёшгача бўлган беморларда касаллик кўпроқ учраши аниқланди (1-расм).



1-расм. Ўпка саратонида беморларни ёши бўйича тақсимланиши

Беморлар демографияси бўйича таҳлил қилинганда, 2017–2021 йиллар оралиғида 751 нафар (52 %) қишлоқда яшовчи, 690 нафар (48 %) шаҳарда яшовчи беморлар даволанган бўлиб, қишлоқда яшовчи беморлар сони кўплиги аниқланди.

1-жадвал

Ўпка саратони касаллигини даволашда қўлланиладиган дори воситаларидан беморлар сонига нисбатан фойдаланиш частотаси таҳлили

Т/р	Халқаро патентланмаган номи	Қўлланилиш частотаси						Беморлар-га тавсия этилган (сон)
		Майда хужайрали ўпка саратонида		Ясси хужайрали ўпка саратонида		Ўпка аденокарци-номасида		
		46 нафар беморда	Фоизда	128 нафар беморда	Фоизда	86 нафар беморда	Фоизда	
1	Карбоплатин	14	30	68	53	41	48	117
2	Цисплатин	11	24	60	47	32	37	103
3	Этопозид	33	72	34	27	22	26	89
4	Гемцитабин	–	–	40	31	11	13	51
5	Паклитаксел	–	–	30	23	11	13	41
6	Доцетаксел	–	–	34	27	–	–	34
7	Пеметрексед	–	–	–	–	29	34	29
8	Циклофосфамид	21	46	–	–	–	–	21
9	Винкрестин	13	28	–	–	–	–	13
10	Эрлотиниб гидрохлорид	–	–	–	–	13	15	13
11	Доксорубицин	8	17	–	–	–	–	8

1-жадвалда ўпка саратони касаллигини гистологик турларидан майда хужайрали, ясси хужайрали ва ўпка аденокарциномасини даволашнинг ўзига хослиги ва дори воситаларидан беморлар сонига нисбатан фойдаланиш частотаси берилган. Ўпка саратонини 3 хил турида дори воситаларидан фойдаланиш частотаси ва беморлар сонига нисбатан фоиз кўринишида энг

юқори кўрсаткичда халқаро патентланмаган номдаги карбоплатин – 117 (30 – 53%), цисплатин – 103 (24 – 47%), этопозид – 89 (26 – 72 %) нафар беморларга тавсия этилган. Фойдаланиш частотасига кўра, энг кам халқаро патентланмаган номдаги винкристин – 13 (28%), эрлотиниб гидрохлорид – 13 (15%), доксорубицин дори воситалари – 8 нафар (17%) беморларга тавсия этилган.

Диссертациянинг «**Ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида илк бор, ўпка саратонининг майда хужайрали ҳамда номайда хужайрали турларидан ўпка аденокарциномаси ва ясси хужайрали турларини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлиги интеллектуал таҳлил усуллари ёрдамида аниқланди. Анкета сўровномада Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, унинг вилоят филиаллари ҳамда «AKFA medline» кўп тармоқли тиббиёт маркази, «New Life Medical» хусусий компанияда фаолият юритаётган умумий 87 нафар шифокор-мутахассислар, яъни 67 нафар кимётерапевт, 20 нафар торакал онкохирурглар иштирок этдилар.

Тадқиқот маълумотларини қайта ишлашда интеллектуал таҳлил усулларида фойдаланилиб, объектлар – дори воситалари, n аломатлар – экспертларнинг жавоблари билан тавсифланади. Ҳар бир аломат 0 дан 10 гача қийматда 4 та шкала бўйича гуруҳга ажратилди. Мутахассис-экспертлар айрим дори воситаларига баҳо бермаслиги мумкин, бу уни ҳали тиббиёт амалиётида ишлатмагани ёки етарлича натижа олмагани каби сабабларга кўра тушунтирилади. Ҳар бир экспертнинг барча характеристикаларини инобатга олган ҳолда баҳолаш шкаласи қуйидагича тақсимланди: юқори малакали экспертлар – 30-45; ўрта малакали экспертлар – 15-29; қуйи малакали экспертлар – 0-14 баллар билан белгиланди.

Компетентликни инобатга олган ҳолда максимумлик тамоилига асосан дори воситаларини гуруҳларга дастлабки қайта тақсимлаш амалга оширилди. Хусусан, ҳар бир D_j – дори воситалари учун унинг қайси гуруҳга тегишли эканлиги аниқланди:

$$K(D_j) = k, \max_{1 \leq k \leq 4} \{U_k = \sum_{S_{ij}=k} w_i\}, (1)$$

бунда S_{ij} – j -мутахассиснинг i -дори воситасини қайси гуруҳга тегишлилиги бўйича қарорини аниқловчи қиймати; w_i – i -мутахассиснинг компетентлиги.

Анкета-сўровномадаги маълумотларни қайта ишлашда ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг дори шакли ва дозаси бўйича самарадорлигига ҳамда фойдаланишда қулайлигига асосланиб, касалликни даволашда бир-бирига нисбатан самарадорлиги тўртта гуруҳга ажратилди.

Дастлабки қайта тақсимлашга асосланган ҳолда бир гуруҳ дори воситаларини (K_1 синф) қолган гуруҳларига (K_2 синф) қийслаш орқали K_1 -синфига мансублигининг умумлашган баҳоси ҳисобланди, олинган натижага

нисбатан экспертларнинг баҳоси таққосланди. Масала хусусиятидан келиб чиққан ҳолда тўртта мустақил тажриба ўтказилди. Биринчи тажрибада K_1 синфига 1-гуруҳ дори воситалари, K_2 синфига эса 2-, 3- ва 4-гуруҳлар киритилди. Олинган умумлашган баҳолар [0, 1] шкалада акс эттирилиб, иккинчи, учинчи ва тўртинчи тажрибаларда K_1 синфига мос равишда 2-, 3- ва 4-гуруҳлар, K_2 синфига эса қолган гуруҳлар киритилган ҳолда умумлашган баҳолар ҳисобланди.

Сўнгра ҳар бир дори воситалари учун ўтказилган тўртта тажрибага кўра умумлашган баҳоси юқори чиққан гуруҳ дори воситаларининг интеллектуал таҳлил усуллари ёрдамида аниқланган гуруҳи сифатида олинди (экспертлар сўрови натижаларининг жадвал кўринишидаги шакли Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари т.ф.д., доцент Ш.Ф. Мадрахимов ва катта ўқитувчи Қ.Т. Махаровлар билан ҳамкорликда яратилди).

Майда хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган 10 та халқаро патентланмаган номи ва 158 та савдо номлари остидаги дори препаратларининг самарадорлик кўрсаткичлари дори шакли ва дозаси бўйича гуруҳларга ажратилди. Дори воситаларидан 8 таси савдо номлари бўйича юқори самарали, 38 таси савдо номлари бўйича самарали кўрсаткичга эга эканлиги исботланди, 104 та савдо номлари бўйича ўртача самарали, 8 та дори воситалари паст самарали эканлиги аниқланган. Майда хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситалари самарадорлигини ўрганиш натижалари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Майда хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган цисплатин халқаро патентланмаган номли дори воситасининг самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Халқаро патентланмаган номи ва савдо номлари	Дори шакли	Баллар				Дастур баҳоси
			0– 5,5	5,6– 7,0	7,1– 8,5	8,6– 10	
Ўсмага қарши алкиловчи воситалар							
Цисплатин							
1	Цисплатин эбеve®, 50 мг/100 мл	Инфузия учун эритма тайёрлашга концентрат	0,00	0,00	0,66	0,83	4
2	Цисплатин эбеve®, 0,5 мг/мл	Бир хил	0,13	0,19	0,73	0,15	3
3	Цисплатин эбеve®, 10 мг/20 мл	– //–	0,15	0,19	0,71	0,13	3
4	Цисплатин эбеve®, 25 мг/50 мл	– //–	0,14	0,10	0,69	0,15	3
5	Цисплатин-напрод, 10 мг/10 мл	Вена ичига инфузион юбориш учун эритма	0,21	0,20	0,70	0,08	3
6	Цисплатин-напрод, 50 мг/50 мл	Бир хил	0,16	0,09	1,00	0,31	3
7	Вивацислатин, 10 мг/20 мл, №1	Инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,37	0,88	0,02	0,15	2
8	Вивацислатин, 50 мг/50 мл, №1	Бир хил	0,35	0,98	0,11	0,05	2
9	Целсплат, 50, 50 мг/мл, 50 мл, №1	Вена ичига инфузион юбориш учун эритма	0,42	0,93	0,06	0,29	2
10	Цислкую спал, 10, 10 мг/10 мл, №1	Инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,33	0,80	0,15	0,10	2
11	Цислкую спал, 20, 20 мг/20 мл, №1	Бир хил	0,32	0,83	0,14	0,11	2
12	Цислкую спал, 50, 50 мг/50 мл, №1	– //–	0,41	0,77	0,20	0,10	2
13	Цисплатин, 1 мг/мл, №1	– //–	0,36	0,77	0,15	0,10	2
14	Цисплатин, 10 мг/10 мл, 10 мл, №1	– //–	0,39	0,94	0,12	0,07	2
15	Цисплатин, 50 мг/50 мл, 50 мл, №1	– //–	0,13	0,99	0,38	0,20	2
16	Цисплатин, 100 мг/100 мл, 100 мл, №1	– //–	0,22	1,00	0,29	0,24	2
17	Цисплатин-келун-казфарм, 50 мг/50 мл, 50 мл, №1	– //–	0,27	0,79	0,22	0,15	2

Майда хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган цисплатин халқаро патентланмаган номга тегишли 17 та савдо номлари бўйича 1 таси – «Цисплатин эбеве®», 50 мг/100 мл юқори самарадор кўрсаткичли, 5 таси самарадор, 11 таси ўртача самарали кўрсаткичли дори воситаларини ташкил этиши келтирилди.

Ясси хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари 14 та халқаро патентланмаган номи ва 181 та савдо номлари остидаги дори препаратларининг дори шакли ва дозаси бўйича 21 таси савдо номлари бўйича юқори самарали, 23 таси савдо номлари бўйича самарали, 17 таси савдо номлари бўйича ўртача самарали, 120 таси эса паст самарали дори препаратларини ташкил қилди.

3-жадвал

Ясси хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган карбоплатин халқаро патентланмаган номли дори воситасининг самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Халқаро патентланмаган номи ва савдо номлари	Дори шакли	Баллар				Дастур баҳоси
			0-5,5	5,6-7,0	7,1-8,5	8,6-10	
Ўсмага қарши алкиловчи воситалар							
Карбоплатин							
1	Карбоплатин-эбеве®, 150 мг/15 мл	Инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,30	0,14	0,07	0,74	4
2	Карбоплатин-эбеве®, 450 мг/45 мл	Бир хил	0,25	0,03	0,14	0,94	4
3	Адкарб, 450 мг/45 мл	– //–	0,64	0,24	0,82	0,10	3
4	Карбо спал™, 150, 150 мг/15 мл, 15 мл	– //–	0,37	0,20	0,90	0,03	3
5	Карбо спал™, 450, 450 мг/45 мл, 45 мл	– //–	0,58	0,14	0,66	0,13	3
6	Карбоксти®, 150 мг, № 1	Инъекцион эритма тайёрлаш учун лиофилланган кукун	0,66	0,26	0,69	0,12	3
7	Карбоплатин-Напрод, 450 мг/45 мл, 45 мл	Вена ичига юборишга инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,67	0,33	0,76	0,10	3
8	Карботин™, 150 мг/15 мл, 15 мл	Инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,62	0,26	0,63	0,16	3
9	Кемокарб, 10 мг/мл, 15 мл, № 1	Бир хил	0,62	0,20	1,00	0,01	3
10	Кемокарб, 10 мг/мл, 45 мл, № 1	– //–	0,64	0,23	0,92	0,02	3
11	Адкарб, 150 мг/15 мл	– //–	0,68	0,24	0,54	0,16	1
12	Карбодекс, 50 мг/5 мл	– //–	0,75	0,31	0,70	0,02	1
13	Карбодекс, 450 мг/45 мл	– //–	0,73	0,18	0,63	0,08	1
14	Карбоплатин, 10 мг/мл, № 1	– //–	0,99	0,26	0,31	0,24	1
15	Карбоплатин, 50 мг/5 мл, 5 мл, № 1	– //–	0,89	0,44	0,46	0,22	1
16	Карбоплатин, 150 мг/15 мл, 15 мл, № 1	– //–	0,51	0,30	0,29	0,30	1
17	Карбоплатин, 450 мг/45 мл, 45 мл, № 1	– //–	0,72	0,15	0,26	0,35	1
18	Карбоплатин, 600 мг/60 мл, 60 мл, № 1	– //–	0,77	0,27	0,42	0,20	1
19	Карбоплатин-напрод, 150 мг/15 мл, 15 мл	Вена ичига юборишга инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,88	0,28	0,50	0,11	1
20	Карбоплатин-эбеве®, 10 мг/мл	Инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат	0,88	0,23	0,47	0,22	1
21	Карбоплатин-эбеве®, 50 мг/5 мл	Бир хил	0,88	0,37	0,39	0,27	1
22	Карботин™, 450 мг/45 мл, 45 мл	– //–	0,64	0,32	0,59	0,18	1

3-жадвалда ясси хужайрали ўпка саратонини даволашда қўлланиладиган карбоплатин халқаро патентланмаган номли дори воситаларининг самарадорлиги натижалари берилган. Ясси хужайрали ўпка саратонида

қўлланиладиган 22 та дори воситаларидан 2 таси савдо номи бўйича юқори самарали, 8 таси самарали ва 12 таси паст самарали эканлиги аниқланди.

Майда хужайрали ва ясси хужайрали ўпка саратонида қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлик кўрсаткичларидан ташқари ўпка аденокарциномасида ҳам қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланди. Ўпка аденокарциномасида 10 та халқаро патентланмаган номи ва 150 та савдо номлари остидаги дори препаратлари дори шакли ва дозаси бўйича самарадорлиги гуруҳларга ажратилди. Дори воситаларининг 21 таси савдо номлари бўйича юқори самарали, 13 таси савдо номлари бўйича самарали, 77 таси савдо номлари бўйича ўртача самарали ҳамда 39 таси эса паст самарали дори препаратларини ташкил қилди.

4-жадвал

Ўпка аденокарциномасида қўлланиладиган пеметрексед халқаро патентланмаган номли дори воситасининг самарадорлик кўрсаткичлари

Т/р	Халқаро патентланмаган номи ва савдо номлари	Дори шакли	Баллар				Дастур баҳоси
			0-5,5	5,6-7,0	7,1-8,5	8,6-10	
Ўсмага қарши антиметаболит восита							
Пеметрексед							
1	Пемджем, 100 мг, № 1	Инфузион эритма тайёрлаш учун лиофилизат	0,12	0,78	0,00	0,87	4
2	Пемджем, 500 мг, № 1	Бир хил	0,00	0,65	0,10	1,00	4
3	Пеметрексед, 500 мг, № 1	Инфузион эритма тайёрлаш учун лиофилланган кукун	0,00	0,65	0,22	0,83	4
4	Адпем, 100 мг	Бир хил	0,42	1,00	0,05	0,14	2
5	Адпем, 500 мг	– // –	0,24	1,00	0,51	0,14	2
6	Пемекс, 500 мг, № 1, № 4	Инъекцион эритма тайёрлаш учун лиофилланган кукун	0,16	0,76	0,34	0,46	2

4-жадвалда ўпка аденокарциномасида қўлланиладиган пеметрексед халқаро патентланмаган номга тегишли 6 та савдо номи бўйича 3 таси юқори самарали, қолган 3 таси ўрта самарали дори воситаларини ташкил қилгани келтирилган.

Дори воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари асосида устувор гуруҳлари аниқланди. Келажакда давлат томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан юқори самарали ва самарали дори воситаларининг генерикларини ишлаб чиқариш ва импорт қилиш зарурлиги илмий асосланди. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, халқаро патентланмаган номи пеметрексед дори воситасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2023-йил 21-августдаги 34-сон буйруғи билан тасдиқланган асосий дори воситалари рўйхатига киритиш таклиф этилди.

Диссертациянинг «**Ўпка саратонида қўлланиладиган кимётерапевтик дори воситаларининг фармакоиктисодий таҳлили ва прогнози**» деб номланган тўртинчи бобида ўпка саратони касаллигининг тарқалиши, прогнози, уни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг самарадорлиги ва истеъмолининг прогнози баён қилинган.

Тадқиқотда аҳоли сонининг прогнози ўпка саратони билан биринчи марта касалланганлар, касалликдан вафот этганлар ҳамда умумий беморлар сонининг нисбий кўрсаткичи прогнозлаштирилди. Доимий аҳоли сони

экспоненциал ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги учун чизиксиз тренд модели орқали прогноз қийматлари аниқланди. Мазкур тадқиқотда нисбий қийматларнинг прогнози абсолют қийматларнинг прогнози асосида қуйида келтирилган формула орқали аниқланди:

$$Y_{\text{нисбий}} = \frac{Y_{\text{ҳолат}}}{\text{аҳоли сони}} 100\,000, (2)$$

бунда $Y_{\text{нисбий}}$ – ҳисобланадиган нисбий қиймат; $Y_{\text{ҳолат}}$ – ҳисобланаётган нисбий қийматнинг абсолют қиймати (масалан, биринчи марта ўпка саратонига чалинган беморлар сони берилган).

Онкологик касалликлар прогнози 2026 йилгача биринчи марта аниқланганлар абсолют сони бўйича 28 609 нафар беморни ташкил этиши кутилмоқда.

5-жадвал

Ҳисобот йили охирида ўпка ва бронхлар хавфли ўсма касалликлари билан ҳисобда турган беморларнинг абсолют сони ва прогнози

Маъмурий ҳудудлар	Йиллар															
	Амалдаги кўрсаткичи												Прогноз			
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025	2026
Андижон вилояти	722	708	699	692	576	353	209	204	259	210	195	223	163	108	55	4
Бухоро вилояти	127	137	140	154	104	107	130	118	123	101	116	130	109	108	106	103
Жиззах вилояти	100	89	105	110	131	106	84	64	81	124	125	141	141	142	145	149
Қашқадарё вилояти	0	2	9	7	7	9	0	111	111	120	158	170	188	207	228	248
Навоий вилояти	54	58	45	45	47	47	47	47	51	48	53	49	49	49	49	50
Наманган вилояти	186	250	302	349	358	158	179	231	284	291	307	309	289	281	278	276
Самарқанд вилояти	306	304	316	278	277	221	183	184	184	177	147	159	126	104	85	67
Сурхондарё вилояти	72	69	70	72	68	63	57	70	93	95	36	111	59	92	74	86
Сирдарё вилояти	40	39	41	37	39	21	24	26	24	25	100	52	53	55	57	59
Тошкент шаҳри	516	505	451	502	483	360	415	443	494	496	268	580	304	477	351	424
Тошкент вилояти	196	230	255	255	232	211	223	256	232	242	444	293	322	330	340	350
Фарғона вилояти	550	610	619	683	723	446	334	335	379	404	105	540	176	211	156	122
Хоразм вилояти	102	100	99	101	108	111	107	97	103	101	113	132	137	143	149	155
Қорақалпоғистон Республикаси	70	96	103	105	94	93	82	89	105	111	585	124	310	276	314	329
Ўзбекистон Республикаси бўйича	3041	3197	3254	3390	3247	2306	2074	2275	2523	2545	2752	3013	2939	2886	2847	2819

5-жадвалда маъмурий ҳудудлар бўйича касалланиш прогнози келтирилган бўлиб, 2026 йилда Андижон вилоятида – 4 нафар, Бухоро вилоятида – 103 нафар, Жиззах вилоятида – 149 нафар, Қашқадарё вилоятида – 248 нафар, Навоий вилоятида – 50 нафар, Наманган вилоятида – 276 нафар, Самарқанд вилоятида – 67 нафар, Сурхондарё вилоятида – 86 нафар, Сирдарё вилоятида – 59 нафар, Тошкент шаҳрида – 424 нафар, Тошкент вилоятида – 350 нафар, Фарғона вилоятида – 122 нафар, Хоразм вилоятида – 155 нафар, Қорақалпоғистон Республикасида – 329 нафар, Ўзбекистон Республикаси бўйича – 2 819 нафар беморларни ташкил қилади.

2010–2022 йилларда ўсмага қарши дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи дори шакли ва дозаси бўйича қайта тақсимланиб ўрганилганда, улар умумий 218 тани ташкил қилди. Статистик маълумотлар қайта ишланганда, бу дори воситалари орасидан 24 тасини 2023–2026 йилларга прогнози ишлаб чиқилди. Таҳлил натижалари 6-жадвалда келтирилган.

2023–2026 йилларда ўсмага қарши дори воситалари истеъмолининг прогнози


Т/р	Халқаро патентланмаган номлари	Дори воситаларининг дори шакли ва дозаси	Йиллар			
			2023	2024	2025	2026
1	Бевацизумаб	Вена ичига юборишга инфузион эритма тайёрлаш учун концентрат, 100 мг/4 мл	1949	2640	3331	4023
